



Buloq ko'z ochdi
Mavlonbek Soliyev. ONA DIYORIM. She'rlar.

==== Булоқ кўз очди ====

Мавлонбек СОЛИЕВ

ОНА ДИЁРИМ

Шеърлар

«Ҳаёт» нашриёти
2005 йил

84(54)6-5



1031476
091

Мавлонбек Солиев - ёш иқтидорли ижодкор.

Унинг Ватан, мустақиллик, она, табиат, дўстлик ва садоқат мавзуларидаги шеърлари содда, самимийлиги, туйгуларга бойлиги билан ўқувчи қалбини тўлқинлантиради.

Мавлонбек Солиев. «ОНА ДИЁРИМ». Шеърлар.

14-14-05

ХГ-СМ _____ ША

10-05-05

© «Ҳаёт» А. 2005.

20 05 4305	Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston M
---------------	---

HO



ИЛК ҚАДАМ

Адабиёт-одоб, ахлоқ, эзгулик ва саодат бўстони. Ёшлар тарбиясида адабиётнинг таъсири жуда муҳим. Абдулла Қаҳҳор «Адабиёт - атомдан кучли» деганида тамоман ҳақ эди. Ўқув даргоҳларида адабиёт фанини талаблар даражасида ўқитилиши, шу фан бўйича тўғарак машғулотларини мунтазам ўтказиб борилиши ёшларнинг бу соҳага бўлган қизиқишларини янада орттиради. Бўз педагогика коллежида фаолият кўрсатаётган Тўлан Низом адабий мактаби ташкил этилганига йигирма йил тўлди. Мактаб ташкил этилганидан буён унга иқтидорли шоир Муқим Қодир раҳбарлик қилиб келмоқда. Мактабда жуда кўп адабиётга меҳр қўйган ёш қаламкашлар кунт билан ижод сирларини ўрганмоқдалар, илк машқларини машғулотларда кўриқдан ўтказиб, қайта ишлаб, матбуот нашрларида ёритилишига эришмоқдалар. Адабий мактаб раҳбарининг ташаббуси билан ёш қаламкашларнинг «Гулшан», «Ҳилол» шеърӣ китоблари чоп этилди. Адабий мактаб аъзоси Муҳаммад Сиддиқнинг номи жумҳуриятга танилди. Уч китоб муаллифи Муҳаммад Сиддиқ бугунги кунда Республика Олий Адабиёт курси тингловчисидир.

Мавлонбек Солиев шу мактабнинг энг ёш аъзоларидан бири. У машғулотларда қайта-қайта муҳокама қилиниб, сайқалланган шеърларидан «Она диёрим» номли тўплам тайёрлабди. Тўпламнинг нашр этилиши ёш қаламкашнинг адабиёт бўстонида қўйган илк қадамидир.

Шеърӣят чаманида ўз ўрнинга эга бўл, қадаминг қутлуғ бўлсин, Мавлонбек!

Раъно СОДИҚОВА,
шоира.



ЎЗБЕКИСТОН

Ватаним Ўзбекистон,
Фарзандингман ғурурли.
Гул бағрингда яйрайман,
Йўлларим равон, нурли.

Келажакка интилиб,
Ошно билдим илмни.
Маърифат зиё бўлиб
Ёритади йўлимни.

Гул диёрим, номингни
Оламга таратаман.
Жамолингни таърифлаб,
Шеър, ғазал яратаман.

Сен Шарқ келинчаги,
Боғингдан кетмас баҳор.
Мадҳингни куйлар булбул,
Гулзорингда ҳар наҳор.

Ватаним, корингга шай,
Ўғлонингман мардона.
Истиқлолни ардоқлаб,
Довруқ солгин жаҳона.



БЎЗИМ

Чаманзор, боғ-бўстоним,
Водийнинг дарвозаси.
Юртда машхур пахтакор -
Деҳқонин овозаси.

Боғингдан бол мевангни
Бир бор тотган, тамшанар.
Қовун, тарвузинг асал,
Карчидан чанқоқ қонар.

Юксак пахта хирмонинг
Бўй чўзар кўкка томон.
Бебаҳо ризқ яратиб,
Яшар элинг фаровон.

Она масканим Бўзим -
Ҳали айтмаган Сўзим.
Чамандай оғушингдан
Дунёга боқар кўзим...



ДЕҲҚОН БОБО

Сен мўл ҳосил ишқида
Ер билан тиллашасан.
Сув билан суҳбат қуриб,
Ел билан сирлашасан.

Кузда ҳосил чўғидан
Чоғ бўлади димоғинг.
Омборлар донга тўлса,
Унут бўлар чарчоғинг.

Сен туфайли тўқиндир,
Деҳқон бобо, дастурхон.
Қуёш каби товланар
Тандирларда ширмон, нон.



МУСТАҚИЛ ЮРТИМ

Озод, мустақил юртим -
Жонажон Ўзбекистон.
Сенга фарзандлигимдан
Жўшар гурурим ҳар он.

Аждодларинг фахрингдир,
Келажагинг ёш авлод.
Ўқиб, изланиб, бизлар -
Қиламиз эркин ижод.

Сен юртлар дурдонаси,
Жаннатмакон диёрим.
Жондан севиб, ардоқлаш -
Дилимдаги шиорим.

БУҒДОЙ

Буғдойзорлар мавжланар,
Қараб, қамашар кўзим.
Пайкалга сув тарайман,
Деҳқон ўғлиман ўзим.

Олтиндай товланиб,
Бошоқлар жилва қилар.
Парваришлаб толмайман,
Ҳосил юқори бўлар.



ОНАЖОНИМ

1.

Қалби - ҳиммат булоғи,
Қуёшдай оташ меҳри.
Яшашдан сабоқ берар
Доно сўзларин сеҳри.

Пазандаю фаришта,
Суянган буюк тоғим.
Қуёш тургунча туринг
Бу дунёда, илоҳим.

2.

Меҳрибоним онажон,
Меҳрингизни туяман.
Оқ ювиб, ардоқлайсиз,
Сизни жондан суяман.

Омад, иқбол тилайсиз,
Орзулардан энтикиб.
Бир зум олисга кетсам,
Минг чорлайсиз, кўз тикиб.

Қўллаб турар ҳар маҳал
Дуоларингиз бизни.
Муносиб фарзанд бўлиб,
Рози қилайин сизни.



БАҲОР

Ўлкамга келди баҳор
Шаббода қанотида.
Унинг мадҳи гуллари -
Қушларнинг баётида.

Шабнамларга юз чаяр
Майсалар, чучмомалар.
Ялпизни кўзга суртиб,
Омонлик, дер момолар.

Болажонлар шодланиб,
Дала, қирни кезади.
Парку булутлар кўкда -
Оқ орзудай сузади.



ҚУШЧА

Ҳой, митти қушча,
Боғда яйрайсан.
Завқим ошириб,
Тинмай сайрайсан.

Сенга ин қурдим,
Бежирим, кўркам.
Дарахт шохига
Ўрнатди укам.

Бизлар дўст бўлсак,
Кўнгил бўлар чоғ.
Бизлар азалдан
Қадрдон, ўртоқ.



УСТОЗ

Ўқишни ҳам уқишни
Ўргатдингиз, устоз, сиз.
Ишончингиз оқлаймиз,
Фан уфқни қучиб биз.

Коинотга учамиз,
Илмни қанот қилиб.
Сайёралар бағрида
Яшаймиз, сирин билиб.

Ўсиб, камолга етиб,
Сизга таъзим қиламиз.
Ўгитингиз дилларда,
Юртга содиқ бўламиз.



ҚОР

Тинмай лайлак қор ёғди,
Оппоқ либосда борлиқ.
Ташқарига отилдим,
Кенг хонам қилиб торлик.

Болалар шодланишиб,
Ұйнашарди қорбўрон.
Кўчамизда «жанг» қизир,
Авжида ўйин-сурон.

Қиш жуда завқли фасл,
Қор ризқ бўлар баҳорда.
Далага чопар сувлар
Мавжланиб сой, анҳорда.

ҚУЁН

Чопқиллайсан, толмайсан,
Сира ором олмайсан.
Жуда ҳам зийрак, қувсан,
Тутқич бермайсан, қувсам.



МЕВАЛАР

Боғимизда пишибди
Болга тўлиб мевалар.
Олма ял-ял товланиб,
Жилоси кўзни олар.

Олтин рангда беҳилар,
Шохи ерга эгилган.
Териб ол, деб ўриклар,
Ерга бир-бир тўкилган.

Меваларим асал-бол,
Мазасини татиб қол.

ДУРАДГОР

Балли, Солижон,
Беш кетдим сенга!
Тахтадан курси
Ясабсан менга.

Совғангни олиб,
Бўйдим миннатдор.
Бўлиб қолибсан
Уста дурадгор.



СОАТ

Тиним билмасдан
Чиқ-чиқ қиласан.
Сен фурсат - онин
Аниқ биласан.
Уйғотувчисан
Ҳар саҳар чоғи.
Сен менинг бедор,
Яқин ўртоғим.

ТЕРАК

Кўкка томон бўй чўзар,
Ҳовлимизда кўк терак.
Дадам дер: - Иморатга -
Улар жуда ҳам керак.

Ўғит солиб, остини
Юмшатаман куракда.
Таъзим қилар тераклар,
Файрат жўшар билакда.



ЯНГИ ЙИЛ

Биз арчани безатдик,
Илдик турли ўйинчоқ.
Янги йил эшик қоқар,
Қорбобо келмас бироқ.

Тинмай ёғар лайлакқор,
Адашиб қолдимикан?
Қопи оғирлик қилиб,
Чарчаб, дам олдимикан?

Деразадан қарайман,
Келмас Қорбобо ҳамон.
Айвонда совуққотиб,
Йўл пойлар укам Омон.

Эрта тонгда уйғониб,
Кулишдик бизлар роса.
Келган экан Қорбобо
Ёпиқ экан дарвоза.



БАЛИҚ

Сувда лапанглаб,
Сузади балиқ.
Ушламоқ бўлар
Уни Матҳолиқ.

Балиқ қочади,
Қармоқни кўриб.
Овчи қайтади,
Бармогин сўриб.

КУН ВА ТУН

Кун ёришганда,
Чекинади тун.
Тоғлар ортига
Беркинади тун.

Қуёш ботганда,
Чодирин ёзар.
Юлдузлар тунни -
Чарақлаб безар.



ЁМҒИР


Шамол қувар булутни,
Булут кўз ёш тўкади.
Кун бўйи ёғар ёмғир,
Борлиққа тун чўкади.

Ёмғир тинмас тонггача,
Булут йиғлоқи бунча.
Унинг ҳолига боқиб,
Боғда қулар гулғунча.

НАВРЎЗ

Бугун Наврўз байрами,
Қирлар томон чопаман.
Шамол билан қувлашиб,
Чучмомани топаман.

Ойимга ҳадя этиб,
Байрам билан қутлайман.
Доим гулдай очилиб
Юришини тилайман.





ЛОЛА

Қизалокдай ийманиб,
Юз очар қирда лола.
Япроқларин тортиқлар -
Қувноқ шамол-шалола.

Нозик жуссаси ерга -
Эгилар, синмас бироқ.
Ҳилпираб турар мағрур -
Лола яшашга чанқоқ.

ЎРДА ТЎПИ

Киндик қоним тўкилган гўша,
Камол топган бешигим ўзинг.
Дилга илҳом солади ҳар дам,
Навбахоринг, ёз, олтин кузинг.

Ўрда тўпим - суюк қишлоғим,
Таърифингни куйлайман ёниб.
Ой зарларин бошингдан сочар,
Сенга боқар қуёш уйғониб!



НАВОИЙ БОБО

Улуғ Навоий бобо,
Буюк туркий забонсиз.
Руҳингиз қўллаб турсин,
Сўз мулкида султонсиз.

Ғазал, дostonларингиз
Сира қўлдан қўймайман.
Назм бўстонин кезиб,
Шеър сеҳрига тўймайман.

Тўп

Қувноқ овунчоғимсан,
Сени ўйнаб чиниққум.
Спортни ошно билиб,
Соғлом бўлиб, куч йиққум.

Қочсанг, ортингдан қувиб,
Зумда етиб оламан.
Чаққон, қувноқ ва эпчил
Мен спортчи боламан!



ҚАЛДИРҒОЧ

Лойдан уйча қурибсан,
Айвонимга, қалдирғоч.
Сени қувиб солмайман,
Бехавотир бола оч.

Сен кирган уй файзли,
Баракали бўлармиш.
Ўлкамизга навбаҳор
Сен-ла бирга келармиш.

Беозор эй қалдирғоч,
Сенга ҳовлимиз тўлсин.
Ҳар йили ҳам, тилагим:
Қанотингда гул келсин.



ДАНГАСА

Дангаса Тоҳир,
Гапга кўп моҳир.

Иш десанг, қочар,
Гап қопин очар.

Сояни кўзлар,
Тинмасдан сўзлар.

Меҳнат қилмаса,
Иқбол бўлмас ёр.

Бекорчилардан
Ҳаммамиз безор.

ДЎСТ

Дўст кулфатда билинар,
Суянчиғинг бўлади.
Ғамга елкадош бўлиб,
Ҳатто жонин беради.

Яхши кунда дўст бўлган,
Ошноларга ишонма.
Оғир кунингда суянч -
Бўлган дўстингдан тонма.



ҚОВУН

Бир пушта қовун экиб,
Ёзда парвариш қилдим.
Деҳқончилик сирини
Дадамдан сўраб, билдим.

Кузда қовунлар пишиб,
Ҳосил жуда мўл бўлди.
- Балли, деҳқон болам, - деб,
Ойимнинг кўнгли тўлди.

Банд берганларин узиб,
Дадамлар сўйди бир-бир.
Мазаси болдан ширин,
Деҳқони ўзим ахир.



МУНДАРИЖА

Раъно Содиқова. Илк қадам.....	3
Ўзбекистон.....	4
Бўзим.....	5
Деҳқон бобо.....	6
Мустақил юртим.....	7
Бугдой.....	7
Онажоним.....	8
Баҳор.....	9
Қушча.....	10
Устоз.....	11
Қор.....	12
Қуён.....	12
Мевалар.....	13
Дурадгор.....	13
Соат.....	14
Терак.....	14
Янги йил.....	15
Балиқ.....	16
Кун ва тун.....	16
Ёмғир.....	17
Наврўз.....	17
Лола.....	18
Ўрда тўпи.....	18
Навоий бобо.....	19
Тўп.....	19
Қалдирғоч.....	20
Дангаса.....	21
Дўст.....	21
Қовун.....	22



Адабий-бадий нашр

Мавлонбек Солиев

«ОНА ДИЁРИМ»

Шеърлар

Муҳаррир:

Мусаввир:

Техмуҳаррир:

Мусаҳҳих:

Муқим Қодир

Нўмонжон Асқаров

М. Мирзакаримова

Мадина Усмон

Босмахонага 2005 йил 10 майда берилди.

Босишга 2005 йил 31 майда рухсат этилди.

Бичими 84x108 1/32. Ҳажми: 1,5 б/т

Буюртма № 791. Адади: 550 нусха.

Баҳоси келишилган нарҳда.

«Andijon nashriyot-matbaa» ОАЖ
босмахонасида босилди.